

Қоҳирада муҳим учрашув бўлиб ўтди



11:52 / 09.12.2025 1024

Саида Мирзиёева Шайх ҳазратларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг самимий саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Миср ўртасида маънавият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Маърифатли ислом ғояларини тарғиб қилиш ва ёшларни радикаллашувдан ҳимоя қилишда яқин ҳамкорлик қилиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, қўшма дастурлар, академик алмашинувлар ва қўлғезмаларни ўрганиш йўналишларини кенгайтириш борасида ўзаро манфаатдорлик [билдирилди.](#)